КПСС XXVI СЪЕЗДИ КАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 156 (7646). ● 14 август, 1981 йил ● Ж У М А ● Баҳоси 2 тийин.

БАРАКАЛИ МЕҲНАТ

РЕСПУБЛИКАДА хизмат кўрсатган пахтакор Аҳмад Душабоев бошлиқ бригада деҳқонлари бу йил ҳам пешқадамлар сафида бормоқдалар. Улар чигит экиш, ғўза парваришини намунали ўтказиб, гектарларда мўлжалдаги кўчатни сақлаб қолдилар. Маҳаллий ва минерал ўғитга тўйдириб озиқлантирилган, қондириб суғорилган, сифатли культивациядан чиқарилган ғўзаларнинг ҳар тупида 6—7 тадан бўлиқ кўсак бор. Бригадада чеканка ишлари ҳам область пахтакорлар Советининг тавсияси асосида икки босқичда ўтказилди.

—Бригадамизда иш сифатига алоҳида эътибор берилади,— дейди Душабоев,— механизатор, звено бошлиқлари А. Абдуғафуров, Ш. Исроилов, сувчилар Қ. Жўманазаров, А. Эргашев ўртоқлар меҳнатидан, айниқса, миннатдормиз.

Дала шийпони шинам қилиб безатиб қўйилибди. Бу ерда баракали меҳнатдан сўнг ҳордиқ чиқариш учун ҳамма нарса муҳайё. Мириштикорлар 138 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун қулай фурсатдан унумли фойдаланмоқдалар.

Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхозининг кўпчилик бригадалари ва шу райондаги Фрунзе номли колхоз далаларида бўлган киши августнинг ҳар дақиқасидан самарали фойдаланиб, ҳосилга-ҳосил қўшаётган азаматларнинг ишига қойил қолади.

Ҳ. АСРОРҚУЛОВ,
А. ТУЛАЕВ.

КАТТА ХИРМОНГА ЗАМИН

ОЗАРБАЙЖОНЛИК МУСОБАҚАДОШЛАР БЎКА ВА ПИСКЕНТ РАЙОНЛАРИ ДАЛАЛАРИДА

БЎКА райони меҳнаткашлари учун ўтган йил рекордлар йили бўлди. Улар давлатга 79 минг тонна «оқ олтин» сотдилар. Пахта ҳосилдорлиги 36,5 центнерга етди.

Бу йил район пахтакорлари янада юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилишяпти. Улар 80 минг тонналик хирмон уйишга аҳд қилишган. Ҳозир бу юксак социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун район хўжаликларида қандай тадбирлар амалга ошириляпти? Ғўзаларнинг аҳволи, ҳосил тўплаш қандай?

Озарбайжонлик мусобақадошларни биринчи навбатда ана шу масалалар қизиқтирди. Группа раҳбари, Озарбайжон пахтачилик илмий-тадқиқот институти селекция бўлими мудири, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Амир Мусаевич Гусейнов бўкалик уста пахтакорларнинг маҳоратларига юксак баҳо берди. Мусобақадошларни, айниқса, Мичурин номли колхознинг Кибор Бабиров бошлиқ бригадаси далаларидаги дуркун ва серҳосил ғўзалар мафтун этди. Бу аҳил коллектив йил бошида элликцентнерчилар ташаббусига қўшилиб, ғўза парваришини юксак агротехника талаблари асосида олиб борди. Шунинг учун социалистик мажбуриятдагига яраша мўл ҳосил тўпланмоқда.

Колхоз правлениеси раиси Ўроз Жарқинбоев меҳмонларга хўжалик пахтакорларининг ўнинчи беш йилликда эришган катта ютуқлари, ўн биринчи беш йилликдаги режалари ҳақида батафсил сўзлаб берди. Бу йил колхоз коллективи эллик центнерлик ҳосил учун кураш олиб бораётир.

Озарбайжонлик мусобақадошлар «Октябрь 40 йиллиги» колхози далаларига кириб борар эканлар, катта асфальт йўлнинг ҳар икки томонидаги дуркун ва серҳосил ғўзаларни кўриб, ўз ҳаяжонларини яшира олмадилар. Ҳақиқатан ҳам, райондаги бу машъал хўжалик пахтакорлари ҳар йили мўл ҳосил етиштириб, областда пешқадамлар сафидан ўрин олиб келадилар. Бу йил улар ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш мажбуриятини олишган.

Ўзаро текширув давомида озарбайжонлик уста пахтакор, Зардоби районидаги Зардоби номли колхоз бригада бошлиғи Ибод Аҳадов билан «Октябрь 40 йиллиги» колхози пахтачилик бригадаси бошлиғи Гелди Хитоев ўртасида дўстона ва қизиқарли суҳбат бўлиб ўтди. Бу икки бригада бошлиғи пахтачиликда катта тажриба орттирган. Ўз хўжаликларида энг илғор бригадаларга бошчилик қилишади. Масалан, бу йил Ибод Аҳадов бошлиқ бригада ҳар гектар майдондан 65 центнердан, Гелди Хитоев бригадаси эса 60 центнердан хирмон кўтариш мажбуриятини олган. Улар қолган вақт ичида ҳосилга ҳосил қўшиш учун яна қандай тадбирларни амалга ошириш зарурлиги тўғрисида маслаҳатлашиб, тажриба алмашдилар. Ҳозир бу бригада далаларида ўртача 110 минг туп кўчат парвариш қилиняпти. Ҳар тупда 9—10 тадан бўлиқ кўсак бор. Улар сони кун сайин кўпайиб боряпти. Бу эса эртаги ва мўл ҳосилдан дарак беради.

Колхоз правлениеси раиси Маҳкам Пўлатов механизаторлари Қосим Эшонов, Қурбонсаид Султонов, Саиджаббор Сулаймонов, Эргаш Бозорбоев, Гулали Мамедов ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадаларнинг далаларига ҳам таклиф этди. Меҳмонлар юксак мажбуриятга яраша мўл ҳосил тўпланаётганлигининг гувоҳи бўлишди.


Мусобақадошлар Тимирязев номли колхоз далаларига ўтиб, бу ерда асосий эътиборни деҳқончилик маданияти қай даражада юксалганлигига қаратишди. Колхоз механизаторлари ва сувчилари қатор оралариии юмшатиш ва ғўзани оби-ҳаётга қондириш ишларини бир-бирига боғлаб олиб бормоқдалар. Ҳозир хўжалик далаларида 80 сувчи туну-кун меҳнат қиляпти.

Райондаги «Ленин йўли» колхози пахтазорларида бўлган мусобақадошлар, дала шийпонларининг қандай жиҳозланганлиги билан қизиқдилар. Пахтакорлар учун қулай дам олиш шароитлари яратиб берилганлиги, мусобақа натижаларининг мунтазам қайд этиб борилиши уларда яхши таассурот қолдирди.

Шу куни озарбайжонлик пахтакорлар Пискент районидаги далаларида ҳам бўлишди. Улар машҳур пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳакимполвон Қодировнинг шогирди Ортиқбой Мавлонов бошлиқ бригада пахтазорларидаги ғўзанинг ривожини кўриб, коллектив аъзолари меҳнатига юксак баҳо бердилар. Ҳар туп ғўзада ҳозирнинг ўзидаёқ ўртача 12 тадан бўлиқ кўсак бор.

Мусобақадошлар райондаги юқори ҳосилли «Гулистон» колхозида культивация ишлари юқори савияда олиб борилаётганлигини алоҳида таъкидладилар.

Бўка ва Пискент райони пахтакорлари ғўза парваришини жадал давом эттириш билан бирга дефолиация ўтказиш ва ҳосил йиғим-теримига тайёргарлик кўрмоқдалар. Мусобақадошлар ўзаро текширув давомида бу тадбирларнинг қандай амалга оширилаётганлиги билан қизиқдилар ва тайёргарлик ишларини янада тезлаштириш борасида қимматли маслаҳатлар бердилар.



БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

Янгийўл пахта тозалаш заводининг ишчи-хизматчилари бу йилги «оқ олтин» ҳосилини қабул қилиб олишга пухта ҳозирлик кўрдилар. Барча механизмлар пухта созланиб, янги мавсумга шай қилиб қўйилди. Завод территорияси тартибга келтирилди. Суратда: заводнинг илғор слесари Абдулла Қурбонов механизмларни сўнгги бор кўздан кечираяпти.

В. Сироткин фотоси.

ТАСС БАЁНОТИ

Хиросима қурбонлари хотираси куни — 6 августда АҚШ президенти Р. Рейган нейтрон қуролини кенг кўламда ишлаб чиқаришга киришиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ер юзидаги халқларининг ҳоҳиш-иродаси ва манфаатларини сурбетлик билан менсимасдан қабул қилинган ана шу қарор натижасида АҚШнинг бусиз ҳам ғоят катта ядро аслаҳахонаси оддамларни оммавий қиришнинг янги, айниқса, вахшиёна воситаси билан тўлдирилади.

АҚШ маъмуриятининг бу қадами халқаро ишларга ниҳоятда хатарли оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган ёндошувнинг яна бир ҳайрон қолдирадиган намунасидир. АҚШ кейинги йилларда амалга ошираётган тадбирлар — ҳарбий ҳаражатлар кескин оширилганлиги, СҚЧ-2 шартномасини ратификация қилиш барбод этилганлиги, ўртача олисликкa учадиган янги ядро ракеталарини Ғарбий Европада жойлаштиришга тайёргарлик ва, ниҳоят, нейтрон қуроли ишлаб чиқариш тўғрисидаги қарор бир қаторга тизиб қўйилса, у ҳолда Вашингтонда қуролланиш пойгасини тўхтовсиз давом эттириш ва дунёдаги вазиятни чигаллаштириш йўлидан борилаётганлиги ғоят равшан бўлиб қолади.

Америка маъмуриятининг кейинги қарори дунёдаги кўпгина давлатларда ва ҳатто НАТОнинг кўпчилик мамлакатларида алоҳида қаҳр-газаб ва ташвиш билан кутиб олинганлиги тасодифий эмас. Бу қарорни амалда Пекиннинг бир ўзигина ошкора маъқуллашга журъат этди.

Ҳозир Вашингтондагилар халқларни чалғитишга, АҚШ шаънига ёғдирилаётган қаҳр-газабни сусайтиришга уринмоқда. Ишлаб чиқарилиадиган нейтрон зарядлар Америка территориясида жойлаштирилади, шу боисдан гўё бу «АҚШнинггина ички иши» демоқдалар.

Аммо шу нарса ҳаммага равшанки, нейтрон қуроли асло АҚШ территориясида қўлланиш учун яратилаётгани йўқ ва бу қурол исталган куни Европа қитъасида ёки Оқ уй «АҚШ ҳаётий манфаатлари доираси» деб эълон қилишни хоҳлаб қолган бошқа районда пайдо бўлиб қолиши мумкин. Натижада бугун «АҚШнинг «ички иши» деб аталаётган нарса бошқа қитъалардаги миллион-миллион кишиларнинг ёстиғини қуритиши, жаҳон ядро ёнғинининг бошланиши бўлиб қолиши мумкинки, бу ёнғин алангаси Қўшма Штатларни ҳам қамраб олади.

Вашингтондагилар ўзларининг НАТОдаги иттифоқчиларини бўлар иш бўлди қабилидаги аҳволда қолдиришга аҳд қилганликлари: аввалига нейтрон қуролининг запасларини вужудга келтириб, сўнгра эса уларни ана шу қуролни ўз территориясида жойлаштиришга мажбур этишга қарор берганликлари равшан кўриниб турибди.

Вашингтон халқларнинг, шу жумладан АҚШга иттифоқчи мамлакатлар халқларининг айни яшашидан иборат масалаларга тааллуқли ишларда ҳатто уларнинг фикри билан қизиқишни лозим деб ҳам ҳисобламайди, бу ҳол биринчи марта содир бўлаётгани йўқ. Ғарбий Европа давлатларининг баъзи арбоблари аслида Американинг жиноий режаларига йўл қўйиб бериб, Вашингтонда қабул қилинган қарор гўё ўзларига тааллуқли эмасдек таассуротни вужудга келтиришга уриниб бундан ҳам кўпроқ масъулиятсиз позицияни эгаллаб турибдилар.

Америка президентининг нейтрон қуролини ишлаб чиқариш тўғрисидаги қарори Вашингтоннинг ядро қуролларини қисқартириш тўғрисида аҳдлашувларни қидириш ниятн ҳақидаги даъволари ришкорлик эканлигини алоҳида яққол кўрсатади. Аслида АҚШнинг ҳозирги маъмурияти шу пайтгача қилган ишларнинг ҳаммаси мутлақо тескари йўналишда — Американинг ҳарбий потенциалини кўпайтириш, халқаро кескинликни кучайтириш, қуролсизланиш соҳасидаги музокараларни мушкуллаштириш йўлидан бормоқда. У ерда ҳозирги кучга умид боғланмоқда. Ҳолбуки, кейинги ўн йиллар тажрибаси шуни рад этиб бўлмас даражада исботлайдики, бу йўл—асло халқларнинг, шу жумладан Америка Қўшма Штатлари халқининг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мумкин бўлган йўл эмас. Бунинг мутлақо аксидир.

Ҳарбий аслаҳаҳоналарда нейтрон қуролининг пайдо бўлиши ядро бўсағаси деб аталмиш даражанинг хатарли равишда пасайиб кетишига, оддий қилиб айтганда эса ядро уруши чиқиш хавфи ошиб кетишига олиб келган бўлур эди ва бунинг учун бутун жавобгарлик Америка Қўшма Штатлари зиммасига тушади.

Америка стратеглари нейтрон заряди ғўё аллақандай «соф», салкам «инсонпарварлик» қуролидир деган гапни одамлар онгига сингдирмоқчи бўлаётганликлари хатарли хом хаёлдир. Атайлаб одамларни қиришга мўлжалланган, олимларнинг огоҳлантиришларича, бундай қуролни қўллаш оқибатлари ғоят узоқ давр сақланиб, келгуси авлодларга ҳалокатли таъсир кўрсатадиган қурол тўғрисида шундай гаплар айтилянти. Вашингтонча «инсонпарварлик» мана шунақа!

Инсоннинг энг биринчи ҳуқуқи — яшаш ҳуқуқини ҳимоя этиш учун курашиш, Америка ҳарбийларининг нейтрон қурол билан боғлиқ вахшиёна режаларини барбод этиш барча соф виждонли кишиларнинг ишидир. Ақл-идрок шуни тақозо этадики, қурол-яроғларни шу жумладан ядровий қуролларни чеклаш, камайтириш ва, пировард натижада уларни тугатиб юбориш йўли уруш олиб боришнинг тобора янги-янги воситаларини тўплаш йўлига қатъиян қарши қўйилмоғи керак.

Маълумки, Совет Иттифоқи нейтрон қуролини ишлаб чиқаришдан ўзаро воз кечиш, уни тақиқлаш тўғрисида келишиб олишни бир неча бор таклиф қилди. Бу борада социалистик мамлакатлар киритган халқаро конвенциянинг конкрет лойиҳаси Женевадаги қуролсизланиш комитетининг музокаралар столида ётибди.

Совет раҳбар доиралари масалани шундай ҳал этиш тинчликни мустаҳкамлаш вазифасига энг яхши тарзда мос бўлиб тушади ва давлатлар билан бирга халқларнинг манфаатларини кўзлаган бўлур эди, деб ҳамон қатъий ишонадилар.

Шу билан бирга Совет Иттифоқи Америка Қўшма Штатлари қўяётган қадамлар сабабли вужудга келадиган вазиятга тегишли тарзда баҳо бериши ва ўзининг хавфсизлигини, дўстлари ва иттифоқчиларининг хавфсизлигини таъминлаш учун зарур чоралар кўришига ҳеч кимда шубҳа қолмаслиги керак.

ҲАШАРОТЛАР-ҲОСИЛ СОҚЧИЛАРИ

● ЧИНОЗ

РАЙОН пахта далаларида бу йилдан бошлаб ғўзаларни зараркунандалардан ҳимоя қилишда биологик усул кенг қўлланила бошланди.

Район биолабораторияси ходимлари тайёрлаган трихограмма ва габробракон ҳашаротлари дастлаб «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг Бахтиёр Қушназаров ва Фикрет Сефершаев ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадалари далаларига қўйилди. Янги усул ўз самарасини кўрсатди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай зараркунанда майдонларда биророта ҳам ҳосил қушандаси қолмади.

Ҳозирги кунда эса бу майдонлардаги ниҳоллар баравж ўсмоқда. Ҳар тупда 12—14 тадан кўсак бор.

— Бу усул арзон, қулай ва тежамли бўлиб, энг муҳими аҳоли яқин турадиган карталарда ҳар хил заҳарли химикатлар ишлатилишининг олди олинади, — дейди қишлоқ хўжалик химияси Чиноз район бирлашмасининг раиси, биология фанлари кандидати Йўлдош Тожибоев, — шу билан биргаликда зараркунандалардан биологик усулда тозаланган майдонларда мўлжалдагидан тўрт-беш центнер кўп ҳосил олинади. Буни ўз тажрибаларимиз кўрсатиб турипти.

Районда бу йил 4 минг гектар майдондаги ғўзаларни зараркунандалардан ҳимоя қилишда ҳашаротлардан фойдаланиш кўзда тутилган. Келгуси йилдан бошлаб эса барча пахта майдонларида ушбу қулай ва арзон усул қўлланилади.

А. РАҲИМОВ.

ТЕРИМГА ҲАМ ШАЙМИЗ

ПАХТАЗОРЛАРДА ҳосилга-ҳосил қўшиш учун кураш қизғин давом этяпти.

Деҳқончилик маданияти юксак даражага кўтарилган ҳозирги даврда суръат ва сифат ғўза парваришида ҳал қилувчи шарт бўлиб қолди. Буни бизнинг хўжалигимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Колхозимизда 6 та пахтачилик бригадаси бор. Ер, техника ва ишчи кучлари баравар тақсимланган. Фақат айрим бригадаларда сувчилар кўпроқ. Ер шароити шуни тақозо этади. Масалан, Григорий Ким бошлиқ бригада далаларида карталар текис, сув равон оқади. Мавсумда 8—10 сувчи ишни бемалол уддалайверади. Петр Ким бригадасида эса шароит бирмунча мураккаброқ. Ғўза чанқаган пайтда 16—18 сувчи ажратишга тўғри келади.

Умуман, биз колхозни ёшлардан моҳир сувчилар тарбиялаб етиштиришга жиддий эътибор берамиз. Бу ёшлар асосий вақтларда барча бригада аъзолари қатори дала ишлари билан шуғулланиб, резервда тўрадилар. Карталарга ёпишасига сув тараш бошланганда улар ҳам сафдабар этилади. Агар шундай қилинмаса, бир картани сувдан чиқариб, иккинчисига ўтгунча, бу ердаги ғўзалар анча чанқаб қолади. Талаб қилган вақтда сув ичолмаган ғўза эса, ҳосил тугунчаларини тўкиб юборади.

Кейинги йилларда ғўзани тунда суғоришга эътибор кучайяпти. Чунки бунинг фойдаси катта. Салқинда сув ичган ғўза яхши қонади, шона ташламайди. Аммо тун қоронғусида ҳар қандай сувчи ҳам кундузгидек 2—3 гектар ерга сув таролмайди. Бунинг учун сувчилар сонини кўпайтириш керак бўлади. Демак, бизнинг бу соҳадаги тадбиримиз жуда фойдалидир.

Колхозимиз территориясида ер ости сувлари юза жойлашган. Шунинг учун мавсумда ғўзалар асосан уч марта суғорилади, холос. Бугунги кунгача иккинчи сув тўла тугатилиб, учинчиси бошланди. Ғўзаларимизнинг ривожи яхши бўлганлиги учун фақат айрим карталаргагина шарбат суви оқизяпмиз.

Механизаторларимиз ҳам культивация ўтказиш даврида вақтдан ютишга ҳаракат қилишади. Масалан, қатор ораларини юмшатиш билан бир вақтда ғўзалар озиқлантирилади ёки навбатдаги сувни тараш учун эгат олинади. Натижада, ортиқча сарф-ҳаражат камаяди.

Маълумки, далаларда кўпайиб кетган зараркунанда ҳашаротларга қарши курашишдан кўра, унинг олдини олиш осонроқ. Энтомологларимиз бунга қатъий амал қилишади. Колхозимизда 4 та ОВХ-14 пуркагичи бор. Бу аппарат ҳар доим ишга шай ҳолда туради. Кузатувчиларимиз тинимсиз дала кезиб, зараркунанда пайдо бўла бошлаган участкалар ўз вақтида аниқланиб, тезда дори сепилади.

Бу йил далаларимизда зараркунандалар деярли пайдо бўлмади.

Биз ҳар йили ғўзани икки марта машиналар билан чеканка қиламиз. Сўнгра эса колхозчиларни сафарбар этиб, ғўзанинг остки шохлари учини чилпиб чиқамиз. Бу йил чеканкани 20 июлда бошлаб, 25 июлда, яъни олти иш кунида тугатдик. Колхозчиларимиз эса 1 августгача карталарни бир карра айланиб, чеканкани ниҳоясига етказадилар.

Ерга чигит ташлаб, ҳосилни йиғиб-териб олгунча амалга ошириладиган ишларнинг тури кўп. Бу тадбирларнинг бирортаси сифатсиз бажарилса ёки ўзини юборилса, ҳосилга путур етади. Шунинг учун колхозимизнинг бош мутахассислари, касаба союз ва ҳалқ контроли комитетлари, шунингдек, илғор бригада бошлиқларидан тузилган сифат комиссияси йил давомида актив фаолият кўрсатади.


Область пахтакорлар Советининг тавсиялари асосида иш юритаётган пахтакорларимиз ғўза дефолиацияси бошлангунга қадар қатор ораларини яна бир марта чуқур юмшатишга ҳаракат қилмоқдалар. Чунки биз дефолиацияни эртароқ, яъни августнинг охирларида бошлашни мўлжаллаб турибмиз. Ғўзаларимизнинг ривожи шуни тақозо этяпти. Мақсадимиз трактор аппаратлари ва самолётлардан фойдаланиб, дефолиацияни уч-тўрт кун ичида ўтказишдир. Ҳозир бутифос ташиб келтирмоқдамиз.

Ўтган йили колхоз бўйича ҳосилдорлик 50 центнерни ташкил этди. Бу агротехник тадбирларни қисқа вақт ичида сифатли ўтказаётганлигимиз самарасидир. Бугунги кунда ғўзаларимизда ўртача 8—10 тадан тўлиқ кўсаклар ҳосил бўлди. Йиғим-терим бошлангунга қадар ҳосил чўғи янада кўпаяди.

Ҳозир пахта йиғим-теримининг аниқ графиги ҳақида сўз юритиш қийин. Бироқ, режани пишитиб қўйган яхши. Биз шундай қиляпмиз. 16 та терим машинамиз бор. Бугунги кунгача ҳаммаси ремонтдан чиқариб қўйилди. Фақат тракторларга осилса бас. Мутахассисларимиз ва тажрибали деҳқонларимизнинг айтишларига қараганда машина теримини сентябрь ойининг ўрталаридан бошлайвериш мумкин бўлади. Қолган вақт ичида парваришни давом эттириш билан бирга етиштирилган жами ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай, октябрь ойининг ўрталаригача йиғиштириб олиш учун барча мавжуд имкониятларни ишга соламиз.

Н. И. ПАК,
Ғалаба районидаги «Победа» колхозининг раиси.

ҲАМ ЖЎХОРИ, ҲАМ ЛАВЛАГИ





Янгийўл районидаги Калинин номли колхозда маккажўхори ва лавлагини аралаш экиш соҳасида тўпланган тажриба Озарбайжон пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси аъзоларини қизиқтириб қолди. Ҳозир хўжалик деҳқонлари «дала малакасидан» мул ҳосил олмоқдалар. Юсупбек Таймабоев билан Тошкентбой Тўхтаев бригадалари гектаридан 100 центнер дон ва 60 центнер маккажўхори пояси олмоқдалар. Маккажўхори ўриб олингандан кейин майдонларга ўғит солинади, сув берилади. Октябрь охирига бориб, бу ерда лавлаги ҳосили етилади.

Бу йил янгийўлликлар 1200 гектар майдонни маккажўхори билан ниммашкар лавлагини аралаш экиш учун ажратдилар. Улар бу майдоннинг ҳар гектаридан 80 центнер дон, 500 центнер силос ва 800 центнер лавлаги олишга қарор қилишган.

(ЎзТАГ мухбири).

ОМОН Қўшмонов 17 йилдирки, Бекобод районидаги А. Мавлонов номли совхознинг 4-бўлимида звено бошлиғи бўлиб ишлаб келмоқда. У бошчилик қилаётган коллектив заршуносларн йилдан-йилга пахта ҳосилдорлигини ошириб бормоқдалар. Улар бу йил мавжуд 50 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилишган. Суратда: (юқорида) звено етакчиси О. Қўшмонов; (пастда) ғўзага ишлов бериш пайти.

Т. Маҳкамов фотолари.

БАРЧА ИМКОНИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНАМИЗ

ПАРТИЯ группалари, цех ва бошланғич партия ташкилотлари жиддий синов арафасида турибди. Яна бир неча кундан сўнг партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бошланади. Бу йилги ҳисобот-сайлов йиғилишлари КПСС XXVI съездидан кейин биринчи марта ўтяпти. Шу боисдан ҳам йиғилишларни юксак савияда, сафарбарлик, танқидий ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтказиш учун барча жойларда қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Фрунзе район партия комитети ташкилий ишлар бўлими мудири Аъзам Мақсудович АКРОМХЎЖАЕВ ҳисобот-сайлов йиғилишларига кўрилаётган ҳозирлик ҳақида қуйидагиларни маълум қилди.

РАЙОНИМИЗ меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошириш, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан бошланган умумхалқ мусобақасида актив иштирок этиб, ажойиб ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Ўтган ойлар ҳар жиҳатдан қувончли ва баракали бўлди. Районимиз саноатчилари иккинчи квартал якунлари бўйича шаҳар кўчма Қизил байроғига сазовор бўлдилар. Етти илғор коллектив номи шаҳар Ҳурмат тахтасига ёзилди.

Эришилаётган ютуқларда коммунистлар ҳиссаси алоҳида сезилиб турибди. Ҳозир районимизда 35 бошланғич партия ташкилоти, 239 цех партия ташкилоти, 404 партия группаси қизғин фаолият кўрсатмоқда. Уларга бирлашган коммунистлар беш йилликни муддатидан олдин бажариш учун бошланган мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар. Шуни айтиш керакки, ўн беш йиллар ҳаракатли барча участкаларда кенг қўллаб-қувватланмоқда. Ҳозирги кунда салкам 300 киши бу ташаббусга қўшилганлар.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик давомида қўйи ячейкаларда олиб борилаётган ташкилий-тарбиявий, ғоявий-сиёсий ишлар атрофлича анализ қилинмоқда. Ҳисобот даврида кўрилган тадбирлар ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга, оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришга ёрдам берди. Ўтган йилдаги ҳисобот-сайлов йиғилишларида коммунистлар бир қатор қимматли фикр ва мулоҳазалар билдиришган эди. Уларнинг таклифи қандай бажарилаётганлиги алоҳида ўрганиб чиқилди. Шу кунгача ҳисобот-сайлов йиғилишлари район партия комитетининг иккинчи секретари А. М. Сергеев, шаҳар партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари Г. Ф. Любимов, шаҳар партия комитети ташкилий бўлим инструктори М. Л. Ельшов ўртоқлар муҳим темаларда докладлар билан чиқдилар. Семинарларда бошланғич, цех партия ташкилотлари секретарлари, партия группаси ташкилотчилари ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик кўрилмоқда. Фрунзе

Адабиёт ва санъат

САНЪАТИМИЗ СОЛНОМАСИ САҲИФАЛАРИДАН

4. МУҲИДДИН ҚОРИЁҚУБОВ

САНЪАТКОР ХОНАДОНИ

ТОШКЕНТДАГИ инқилоб хиёбонининг яшил ҳалқасига сержило кўздек ўрнашган курантнинг ёнида, Максим Горький номли маданият ва истироҳат боғи рўпарасида жойлашган темир дарвозали қадимий тўрт қаватли уй ҳали ҳам аввалларидек қандай бўлса шундай турипти. Бу уйни тошкентликлар, айниқса, кекса авлодга мансуб зиёлиларимиз яхши билишади. Пролетар кўчасидаги мана шу 4-уйда кўпгина атоқли санъаткорлар — СССР халқ артистлари Мухтор Ашрафий, Галина Загурская, Узбекистон ССР халқ арт.лари Э. Юнгвальд-Хилькевич, Фотима Борухова, республикада хизмат кўрсатган артистлар В. Н. Губская, Сора Самандарова, А. Н. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомчилик санъати институтининг собиқ ректори Я. Э. Велиев, опера солисти Петровский ва бошқалар истиқомат қилардилар. Шу уйнинг 34-хонасида Ўзбекистон ССР халқ артисти, ўзбек-совет театри ҳамда музика санъатининг яловбардорларидан бири, машҳур пролетар куйчиси ва халқ ҳофизи Муҳиддин Қориёқубов (1896—1957) ҳам яшаган эди.

Бу уйда мамлакатимизнинг таниқли санъат намояндалари, машҳур ёзувчилар, композиторлар, актёрлар, режиссёрлар, балетмейстерлар, дирижёрлар кўп марталаб тўпланишган. А. Толстой, Д. Покрасс, О. Лепешинская, Н. Богословский, Н. Погодин, И. Моисеев, Р. Глиэр, В. Успенский, Н. Ужвий, А. Бучмалар тез-тез меҳмон бўлишар эди. Учрашувлар, қизиқарли суҳбатлар, ижодий баҳслар уюштирилиб, кўп миллатли совет санъати ривожига оид фикр алмашувлар авжига чиқарди. Бу хонадонда созлар садоси сира тинмаган, қўшиқ аримаган. Н. Мирзонов, Тамарахоним, К. Яшин, М. Ашрафий, Т. Содиқов, М. Бурҳонов, М. Насимов, Т. Жалилов, Ю. Ражабий, Ҳ. Носирова, М. Муҳамедов, Н. Аҳмедова, Б. Мирзаев, М. Тургунбоева каби йирик санъаткорларни ҳам тез-тез учратиш мумкин эди. Бу ажойиб кишилар Муҳиддин ака билан бирга гоҳ янги опера, гоҳ янги балет, музикали драма, концерт программалари ҳусусида доимо ижодий изланганликларини кўрган кишилар кам эмас. Бу хонадонда ҳамиша ижод руҳи, гўзал инсоний фазилатлар, завқ-шавқ, оптимизм ҳукмрон эди. Санъат машъали ҳамиша порлаб турарди.

Мен эллигинчи йиллар бошида бу хонадонда тез-тез бўлиб турганман, Хуршид, Шораҳим Шоумаров, Юнус Ражабийлар билан бўлган завқли гурунгларни ҳамон эслайман. Гапларнинг асосий мавзуси — ўзбек музикали театрининг, айниқса, музикали драмамизнинг истиқболи эди.

М. Қориёқубовнинг ижоди ва фаолияти ҳақида сўз борганда буюк Вильям Шекспирнинг «Ақтёрлар—ўз даврининг мухтасар йилномасидир» деган ажойиб сўзлари эсга тушади. Дарҳақиқат, бу санъаткор ўзининг ниҳоятда бой ижодий ва ташкилотчилик фаолиятини жуда эрта бошлаган эди.

ИНҚИЛОБДАН икки-уч йил илгари эди. Европа мусиқа асбобларига жуда ҳам катта ихлос боғлаган Муҳиддин Қориёқубов бир тўда ёш ҳаваскорлардан иборат духовой оркестр тузишга бел боғлади. Бунинг учун мусиқа асбобларини яхши билиб олиши лозим эди. Ахир тўтарак раҳбарларининг ўзи ҳаммага ибрат бўлиши керак эди-да! Чунки бу — ўлкада биринчи бор ташкил этилган духовой оркестр эди.

Машқлар бошланиб кетди. Муҳиддин қори маҳалла масжиди орқасидаги сайҳон ерга чиқиб олиб, ҳар куни тонг саҳардан «бас» созини зўр бериб пуфлаб чалаверди... Орадан бир-икки кун ўтгач, мезана устидан туриб масжид сўфиси таъна билан Муҳиддинга қичқириб қолди: «Ҳой, лунжинг қурбақанинг пуфагидек шишмай кетгур. Қулоқ-миямни қоқиб қўлга бердинг-ку!.. Йўқол бу ердан, ўша пуфласанг ҳам ёнмайдиган самовар карнайинг билан!.. Ҳу, девга ўхшамай кет!.. Сибизга чалсанг ўласанми?.. Жуда бўлмаса, карнай чал!..».

Орадан ярим йил ўтгач, масжид жойлашган кўчадан хушбичим либос кийган, завқлишавқли ўспиринлардан иборат духовой оркестр ниҳоятда таъсирчан шарқ куйларидан бирини ижро этиб ўтиб қолди. Кулоғига аввалларидек сира ҳам чалинмаган жозибали куйни эшитган ўша масжид сўфиси югуриб мезана устига чиқдида духовой оркестр аввалида европача соз чалиб кетаётган Муҳиддин Қориёқубовни кўриб ёқасини ушлаб, ўзига-ўзи деди: «Ё, тавба, ё ал-ҳазар! Анави шумтакани қаранг, ўша самовар карнайда ҳам «инна фатахна»ни чалаяпти-я!..»

Дарҳақиқат, 1916 йилда Қорм ака бир группа ҳаваскор ёшлардан иборат чолғу асбоблари музика тўгарагини ташкил қилди. Тўгаракда миллий чолғу билан бир қаторда Европа музика асбобларини чаладиган ёшлар ҳам бор эди. Бу эса ўша пайтларда жуда катта, дедим қадам ҳисобланарди.

«БУНДАН КАТТАСИ БЎЛМАЙДИ»

ҚУҚОНДАГИ сайилгоҳлардан бирида Муҳиддин Қориёқубов иштироки билан «Шарқ кечаси» қизғин ўтаётган эди. Раққоса «Тановар»да хиром айлаб бўлиб, саҳнадан чиқиб кетгандан сўнг томошабинлар олдида гавдали, зарвароқ чопон кийган хонанда намоён бўлди. Бу — Муҳиддин Қори эди.


Ҳамма унн гулдурос қарсаклар билан қарши олди. Навбатни эълон қилиб турган иштараси иссиқ йигит: «Энди навбат Туркистоннинг биринчи халқ ҳофизи Қориёқубовга»,— деди. Қарсаклар янада баландроқ янгради. «Эшвой»,— давом этди эълон қилувчи.

Хонанда қўшиқни бошлаб юборди. Ҳамманинг жисми қулоққа айланди... Шундан сўнг ҳофиз сурункасига беш-олти классик қўшиқларни ҳам айтди. Сўнггида эса «Эй, чехраси тобоним» номли катта ашула билан ўз навбатини тугатди.

Қориёқубов яна саҳна аввалига келиб бояги одамга қарата деди: «Бадан тарбия билан шуғулланиш керак, ака!.. Бандасига дид-фаросат улашаётганда аввал етиб борасиз, шунда... Бу ерга йиғилган қўшиқ шайдоларига халақит бермаслик учун ҳам ўзимиз ҳам ҳозирги ашулачилар ҳақида гапирмаймиз. Ҳозир ҳаммамиз ҳам ўзимизнинг ашулаларимизни эшитиб, ўзимиз ҳам ўзимизга ҳайрон қолиб ўтирибмиз. Ҳозирги ашулаларнинг ҳаммаси ҳам ёмон эмас, албатта. Лекин ашулачилик санъатининг ҳозирги аҳволи ҳақида ҳам ўйлаб кўрмоқ керак. Ҳозирги ашулаларнинг кўпчилиги ҳаётимизнинг ҳақиқий қўшиқларига ўхшамайди. Ҳаётимизнинг ҳақиқий қўшиқлари ҳозирги ашулаларга қараганда ҳам ранг-баранг, ҳам мазмунли, ҳам ҳаётий







ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги «Горняк» совхозининг дастурхонини сархил узум маҳсулотлари билан янада лик билан олиб бормоқдалар. Улар бу йил ҳар гектар етиштириш мажбуриятини олишган. Суратларда: Камол Ҳайдаров ва Вазира Каримовалар билан узум ишчиси Хурсаной Насруллаева.

3-бўлими боғларида айни пишиқчилик. Соҳибкорлар эл тўкин қилиш мақсадида йиғим-терим ишларини уюшқоқ уюмзордан 120 центнердан жами 450 тонна сархил узум бўлим бошқарувчиси Эрназар Акимбоев (чапда) ишчилар сифатини кўздан кечирмоқда. (Ўнгда) бўлимининг илғор У. Ҳамидов фотолари.

«ФАНТАЗИЯ»ГА САЁҲАТ

...Бир пайтлар мана-ман деган ҳайвон ўргатувчилар ҳам сигирдек бир ювош жониворга ишончсизлик кўрсатиб келишар эди. Негадир уларнинг ҳаммалари бу жонивордан «артист» чиқмайди деган хулосага келишганди. Лекин тошкентлик цирк мухлислари бунинг аксини кўрмоқдалар. Дунёда биринчи бўлиб ҳайвон ўргатувчи Маргарита Бреда аренага ўргатилган сигирни олиб чиқди. Албатта, бу «артист» фақат бир ўзи томоша кўрсатмайди. Саҳнада унинг ўз шериклари бор. Турли-туман қизиқарли номерларни томошабинларга манзур этишда сигирга маймун билан от яқиндан ёрдам беради.

— «Аренада москвaликлар» деб аталувчи янги программада бизнинг қатнашувимиз ана шу номернинг ўзи билангина чекланиб қолмайди,— деб ҳикоя қилади Молдавия ССРда хизмат кўрсатган артист Любовь Васильевна Бреда.— Мен турмуш ўртоғим А. Бреда билан биргаликда янги «Космик фантазия» деб аталувчи номерни ҳам тошкентлик томошабинлар эътиборига ҳавола қилдик. Бу номерда оиламизнинг деярли барча аъзолари қатнашадилар. Ўғлимиз Анатолий, қизимиз Маргарита ва куёвимиз Вячеслав Биковлар иштирокида янги программа билан биз жуда кўп республикаларни ва чет эл мамлакатларини кезиб чиққанмиз. Назаримда, тошкентликларга ҳам томошаларимиз маъқул бўлмоқда...

Дарҳақиқат, пойтахтимиздаги санъат мухлислари кейинги кунларда ажойиб цирк томошаларининг гувоҳи бўлмоқдалар. Совет цирки усталари иштирокидаги томошаларда айниқса, биринчи жаҳон чемпиони, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери Григорий Новакнинг «Паҳлавонлар аттракциони», Алик Нисанов бошчилигидаги масхарабозлар группаси номерлари алоҳида ажралиб турибди.

...Чироқлар ўчиб, цирк аренаси коронғилик қўйнига чўмди. Томошабинлар нигоҳи музика садоларига ҳамоҳанг тумбаз остида парвоз қилаётган артистларга қадалди. Улар ҳавода турли мураккаб машқларни бажариб, зални тўлдириб ўтирган томошабинларни лол қолдирадилар...

М. ЗАРИПОВ.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

АҲОЛИ ЭҲТИЁЖИ УЧУН

КАЛИНИН районидаги хўжалик буюмлари фабрикасида аҳоли эҳтиёжи учун қирқ турга яқин маҳсулот ишлаб чиқарилянти.

Тайёрланаётган лаганлар, косалар, гулдонлар, ёғоч қошиқлар, совға буюмлари аҳолига манзур бўляпти. Бу маҳсулотларнинг кўпчилигига сифат белгиси берилган.

Ҳозирги пайтда корхонани кенгайтириш ва реконструкциялаш ишлари амалга оширилянти. Бу йил янги қошиқ цехи ишга туширилади. Цехда қошиқ тайёрлаш тўла механизациялаштирилади. Янги замонавий дастгоҳлар қошиқ ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш имконини беради.

Фабрика ишчи-хизматчилари ўн биринчи беш йиллик дастлабки йили планини СССР Конституцияси куни — 7 октябргача бажаришга қарор қилганлар. Йил охиригача эса бу ерда 2 миллион сўмликдан кўпроқ турли буюмлар тайёрланади.

ТИНЧЛИК ФОНДИГА

ЯНГИЙЎЛ шаҳридаги кўнгина саноат корхоналари, ўқув юртлари совет Тинчлик фондининг коллектив аъзоларидир.

Улар ўз жамғармаларини Тинчлик фондига ўтказиб, ер юзида осойишталик учун ўз улушларини қўшиб келаётирлар. Бу хайрли ишда айниқса ёг-мой комбинати, 109-автокорхона, мебель фабрикаси коллективлари ташаббус кўрсатишяпти. Улар йил бошидан бери Тинчлик фондига минглаб сўм пул ўтказдилар.

Шаҳар меҳнаткашлари йил бошидан бери ўн минг сўмдан кўпроқ пулни совет Тинчлик фондига ўтказишди.

ҚУВНОҚ ЁЗ ГАШТИ

БЎКА районидаги совхозлараро «Спутник» ва колхозлараро «Дўстлик» пионер лагерларида ҳар сменада 440 ўқувчи мириқиб дам олаяпти.

Районда олтита меҳнатроҳат лагери, йигирмадан ортиқ соғломлаштириш майдончалари ишлаб турибди. Навоий номли, Чапаев номли, Энгельс номли, Гоголь номли мактаблар қошида ташкил этилган соғломлаштириш майдончаларида ўқувчилар ёзги таътил кунларини қувноқ ўтказяптилар.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

171-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1981—1982 ўқув йилига

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Бўёқчилар, бўёқчи-альфрейшчилар, сувоқчилар, қурувчи-дурадгорлар, электромонтажчилар, электр пайвандчилар, гишт терувчи-монтажчилар, дурадгор-паркетчилар, облицовкачи-плиткачи.

Ўқиш муддати—1—3 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

3 йиллик ўқишни тамомлаганларга ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат ва ҳунари бўйича аттестат берилади.

Ўрта маълумотга эга бўлганлар ва Совет Армияси сафидан қайтганлар учун қисқа муддатли курслар мавжуд бўлиб, ойига 70 сўм стипендия оладилар.

Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал иссиқ овқат, кийимкечак, ҳамда ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақи билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳо билан тугатганлар ўрта ва олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар. Областлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақида справка, 6 дона расм (3х4см.), турар жойидан справка, мактабдан характеристика, автобиография.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳри-81, Домбробод кўчаси, 74-уй (34, 33, 50, 70, 34, 103, 80-автобусларнинг «16-поликлиника», 123-автобус, 16-троллейбуснинг «Домбробод» бекатлари). Телефон: 77-49-53.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

йиғувчилар, сараловчилар, йиғувчи-слесарлар, электрчилар, сантехниклар, токарлар, чархловчилар, графит ўймакорлари, қайнатувчилар, штамповкачилар, йўнувчилар, зиҳни техникловчилар, электрончилар, фрезерчилар, прессчилар, газ-электр пайвандчилар, технолог мастерлар, инженер-конструкторлар, механиклар, нормаловчилар, бошқарувчилар, автомат системасининг программачилари, омбор мудирлари, ҳарбийлаштирилган соқчилик хизматчилари, юкчилар.

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

заргар-монтажчилари, қадоқловчилар; заргарлик буюмларига сайқал берувчилар, штамповкачилар, юқоридаги касблар бўйича шогирдлар.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг 4-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА

бетончилар, гишт терувчилар, бўёқчилар, дурадгорлар, пайвандчилар, арматурачилар, монтажчилар, том ёпувчилар, ёрдамчи ишчилар. Елгизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг 11-«ВИСОТСТРОЙ» ТРЕСТИГА

электр-газ пайвандчилар, гишт терувчилар, дурадгорлар, сувоқчи-бўёқчилар. Елгизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

1-ТРАМВАЙ ДЕПОСИГА

трамвай ҳайдовчилар, слесарлар, қурувчилар, контролёрлар. Елгизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Марказий пункт—Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
Ленин район пункти—Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.
Октябрь район пункти—У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти—2 квартал, 3-уй.
Ҳамза район пункти—М. Хасанова кўчаси, 3-уй.
Фрунзе район пункти—Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.
Куйбишев район пункти—К. Маркс кўчаси, 59-уй.
Киров район пункти—Энгельс кўчаси, 89-уй.
С. Раҳимов район пункти—Корасарой кўчаси, 270-уй.
А. Икромов район пункти—22-квартал, 13-уй.
Сергели район пункти—райисполком, Совет Армияси майдони.

ҲАР ТЎҒРИДА

ҲАВО ТАКСИСИ

Польшада олти пассажир сиғадиган мўъжаз самолётлар ишлаб чиқарила бошланди.

Бу митти самолётнинг атиги иккита двигатели бўлиб, улар соатига 360 километргача тезликда учиш имконини беради. Янги самолёт «Тез ёрдам» хизматини бажаради, у ҳавода пассажирларни ташийдиган ўзига хос такси ҳамдир.

8 ИЛ ОРҚАГА

Эфиопия пойтахти Аддис-Абеба Африканинг энг гўзал шаҳарларидан бири ҳисобланади. Унинг диққатга сазовор яна бошқа бир жиҳати ҳам бор: бу шаҳарга қадам ранжида қилган киши салкам 8 ёш «яшаради». Албатта, гап бу ерда пойтахтнинг мусаффо ҳавоси ҳақида кетаётгани йўқ. Гап шундаки, шу мамлакатда жорий қилинган йил ҳисоби бўйича айтайлик 1981 йил Эфиопиянинг 1973 йилига тўғри келади.

Спорт

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

◆ ШАХМАТ

Пойтахтдаги республика шахмат-шашка клубида шахмат бўйича республика очиқ чемпионати бошланди. Мусобақаларда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон республикаларидан, Иркутск, Омск ва бошқа шаҳарлардан келган 214 спортчи иштирок этмоқда. Учрашувлар Швейцария системасида олиб борилаётир. Биринчи кунги мусобақалашувда тошкентлик спорт мастери В. Логинов, мастерликка номзод С. Федяшинлар олдинга чиқиб олишди.

◆ ФУТБОЛ

Кеча олий лига вакиллари мамлакат футбол чемпионатининг навбатдаги тур ўйинларини ўтказишди. «Пахтакор» ўз майдонида Тбилиси динамочиларини қабул қилди. Бу командаларнинг дублёр составлари баҳсида 2:1 ҳисоби билан меҳмонларнинг қўли баланд келди.

Бир кун аввал эса Москва динамочилари ўз майдонларида Ленинграднинг «Зенит» командаси билан учрашдилар. Бу ўйин 2:0 ҳисоби билан меҳмонлар фойдасига ҳал бўлди.

Мамлакат чемпионатининг иккинчи лига командалари ҳам навбатдаги тур ўйинларини ўтказишди. Бу турда областимиз вакиллари «Старт» ва «Соҳибкор» ўзгалар майдонида куч синашдилар. «Хоразм» — «Старт», «Хўжанд» — «Соҳибкор» матчларида бир хил — 1:0 ҳисоби қайд қилинди.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ЭРОНДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

ТЕҲРОН, 12 август. (ТАСС). Теҳрондаги Эвин турмасида Эрон армиясининг бир неча олий офицерлари қатл этилди. Улар ўтган йилнинг 10 июлида маъмурлар фош этган ва зарарсизлантирган ҳукуматга қарши фитнанинг раҳбарлари эдилар.

Ислом ҳарбий революцион трибуналининг раиси Ҳожатул Ислом М. Райшаҳри Теҳрон радиосининг мухбири билан қилган суҳбатида ҳукм чиқариш бунчалик кечикканлигининг сабабларини тушунтириб, фитна раҳбарларининг бази алоқалари сўнгги пайтларгача ноаниқ бўлиб келганди, деди. Фитначиларнинг аниқлаш зарур бўлган ҳамма агентларини айни шу кишилар билардилар. Баниқадр Эрондан қочиб кетгач, деб давом қилди Райшаҳри, фитна раҳбарларидан бири— полковник Рокни бизда йўқотиш керак бўлган кишилар рўйхатида аввало собиқ президент турганди, деб эътироф этди.

Лекин кейинчалик, фитначиларнинг сўнгги мажлисларида исён бошланган кун террор уюштириш ва ваҳима тугдириш учун Баниқадр тарафдорларидан фойдаланишга қарор қилинди. Шундай қилиб биз пировард натижада фитна калавасининг учи Баниқадрга бориб тақалади деган хулосага келдик, деди Райшаҳри. Ирок билан уруш бошлангандан сўнг Эроннинг собиқ президенти вазиятдан фойдаланиб, Ахвазга жўнаб кетганлиги ва у ердаги турмадан 51 фитначини озод этганлиги бу гапни тасдиқлайди. Шу фитначиларнинг бир қисми кейинчалик яна қамоққа олинди ва улар устидан ҳукм чиқарилди.

Теҳрон радиосининг хабарига кўра, Эрон президенти М. Ражаи Франция ҳукуматини айблаб «ҳукумат жиноятчиларга бошпана бериш билан Франсияни Эрон революциясига қарши фитна тўри тўқиладиган марказга айлантирмоқда», деди М. Ражаи Эрон Ислом Республикасининг президенти лавозимига сайланганлиги муносабати билан Ф. Миттерандан олган табрик телеграммасига жавобан унинг Франция президентига юборган мактубида шундай айбнома баён этилган.

Маълумки, Франция маъмурлари Эрон парламентининг қарорига биноан ўз лавозимидан олиб ташланган Эроннинг собиқ президенти А. Банисадрга сиёсий бошпана беришга қарор қилганларидан сўнг Теҳрон билан Париж ўртасидаги муносабатлар ғоятда кескинлашиб кетди. Президент Ф. Миттеран Эронда ишлаётган ҳамма французларга мурожаат этиб, мамлакат территориясидан чиқиб кетишга даъват қилди.



Японияниинг миллионлаб аҳолиси мамлакатнинг ҳукмрон доиралари Америка Қўшма Штатларининг агрессив ҳарбий стратегиясини қўллаб-қувватлашига қарши кескин норозилик билдирмоқда. Суратда: «Термоядро қуролига йўл йўқ!» шиори остида ўтган студентлар митингида.

ТАСС фотохроникаси.

ЭСКИ ИМПЕРАТОР АРМИЯСИНИНГ СОЛДАТЛАРИ ИЗЛАНМОҚДА

ТОКИО, 12 август. (ТАСС). Япония соғлиқни сақлаш ва социал таъминот министрлигининг махсус экспедицияси Велья-Лавелья ороли (Соломон оролларидаги)нинг чангалзорларидаги эски император армиясининг солдатларини излашга жўнаб кетди. Маълумки, Вельа-Лавельяда 1943 йилда ҳалок бўлганларни эслаш куни» — милитаристлар йигини куни арафаси бўлмиш айни шу кунда кайтиш тўғрисида даъват этиб бултур ташланган варақаларга уларнинг биронтаси ҳам жавоб қилмаган.

Ҳукмрон доиралар ҳар йили 15 августда нишонламоқчи бўлган «жангларда ҳалок бўлганларни оролга экспедиция жўнатилиши бу ишни қўзғаганларнинг ҳақиқий ниятларини очиб беради. Манфур самурай руҳининг сохта бойликларини ҳозирги японларга ўргатмоқ учун уларга чангалзорларда юрган навбатдаги «букилмас қаҳрамонлар» шошилинч асқотиб қолган.

Миср: танглик кучаймоқда

Анвар Садат тузуми олиб бораётган сиёсат натижасида Миср жуда ўткир иқтисодий ва сиёсий тангликни бошидан кечирмоқда.

Оппозициядаги Миср Миллий-прогрессив (сўл) партиясининг «Ат-Тажаддум» ахборотномасида айтилишича, расмий шахсларнинг оптимистик руҳдаги баёнотларига қарамай, Миср экономикасининг аҳволи муттасил ёмонлашиб бормоқда, унинг ғарб мамлакатлари ва халқаро молия ташкилотларига қарамлиги ошиб бормоқда.

1 июль куни Мисрда навбатдаги молиявий йил бошланди. Яқинда Миср Араб Республикаси халқ палатаси тасдиқлаган бюджет яна анча дефицит билан тузилди. Оппозициядаги Социалистик меҳнат партиясининг органи «Аш-Шааб» газетасининг ҳисоблашича, «миллий дефицит», яъни мўлжалланган ҳаражатларнинг амалда мавжуд бўлган ички ресурслар суммасидан ортиб кетиши 5,4 миллиард фунтни ташкил қилади.

Аввалгидек ҳукумат бу дефицитни янги қарз олиш ҳисобига тўлдиришга уринмоқда. Бу эса ўз-ўзидан миллий экономиканинг чет эл кредит эгаларидан қарамлиги кучайишига, ташқи қарзнинг янада ортишига сабаб бўлади. Баъзи ҳисоб-китобларга қараганда бундай қарз йил охирига бориб жуда катта кўрсаткичга — 20 миллиард долларга етади.

Мисрнинг чет эл молиявий қарзларга эҳтиёжи шунчалик зўрки, бу эҳтиёжни қондириш тобора мураккаблашиб бормоқда. Бош министр муовини Абдул Маҳид ҳам шуни тан олдики, Миср ихтиёрида 2,2 миллиард доллар атрофида кредит бўлиб, улар дефицитнинг атиги 40 процентинигина қоплашга етади.

«Вашингтон пост» газетаси ёзганидек, Қўшма Штатлар чет давлатларга ёрдам кўрсатиш доирасида Мисрга бераётган миллиардлаб долларлари «кўп жиҳатдан саҳродаги қумликларни кўзадаги сув билан суғоришга ўхшаб кетади».

Ҳозирги раҳбарлик амалга ошираётган «очиқ эшиклар» иқтисодий сиёсати 1952 йил революцияси тугатиб юборган капиталистик тартибларнинг кўпини қайта тиклади. Расмий маълумотлар миллий буржуазиянинг мададига таяниб, давлат секторини «қайта ташкил қилиш» ва «қайта тузиш» баҳонаси билан миллий экономикада давлат секторининг авангардлик ролини йўққа чиқаришни, уни хусусий капитал манфаатларига бўйсундиришни ҳоҳламоқдалар. Давлат сектори қисқариб бормоқда.

ХАЛҚАРО МАВЗУДА

Ана шулар натижасида мамлакатда нарх-наво бетўхтов ўсмоқда. Бир тўда савдогарлар ва чет эл корчалонлари истеъмолчиларга ўзлари истаган нархда маҳсулот сотиш имконига эга бўлдилар. Ҳозирги вақтда сотувга чиқарилган 3 мингдан кўпроқ номдаги товарларнинг атиги 63 тасигина давлат прейскурантига киритилган. Бунинг оқибатида фақат буржуазия вакилларигина бойиб бормоқда. Улар кўраётган фойда 300 процентга етди.

Пулнинг қадрсизланиши ҳам оғир оқибатларга олиб келмоқда. Миср марказий банкининг маълумотига кўра, мамлакатда муомалада бўлган барча пул воситаларининг 82,4 проценти реал товар таъминотига эга эмас. Пулнинг тобора қадрсизланиб бориши ва четдан жуда катта қарз олиниши бутун мамлакатда турар-жой, транспорт ва бошқа хил соҳаларда кўпдан-кўп проблемаларни юзага келтирмоқда. Меҳнаткашлар турмуш даражаси муттасил пасайиб кетмоқда. Камбағаллик чегарасидан пастда яшовчи кишиларнинг сони ортмоқда.

Қоҳира билан Вашингтон ўртасидаги ҳарбий ҳамкорлик Яқин Шарқда тинчлик учун айниқса катта хавф туғдирмоқда. Қоҳира Америка сиёсатини қўллаб-қувватлаб, бу билан ҳарбий эҳтиёжлар учун Вашингтон бераётган миллиардлаб долларнинг ўрнини ўзига хос равишда қопламоқчи бўляпти. Яқин уч йил ичида Вашингтон Мисрга 4,5 миллиард доллар миқдорида ҳарбий ёрдам кўрсатади. Мамлакат шунда Америкапинг чинакам замонавий курол-яроғ аслаҳахонасига, Яқин ва Ўрта Шарқ мустақил давлатларига қарши агрессия бошланадиган майдонга айланиб қолади.

Мисрнинг Қизил Денгиз қирғоғида, Рас Банасда жадал суръатлар билан энг йирик ҳарбий-денгиз ва ҳарбий-ҳаво базаси қурилмоқда. Ў босқинчи «тезкор кучлар» учун мўлжалланган, АҚШ, Исроил ва Миср ўртасида Синай ярим оролида «тинчликни сақлаб туриш бўйича кўп миллатли кучлар» деб аталмиш ҳарбий кучларни жойлаштириш тўғрисида бир битимга келинди. Бундай кучларнинг асосини Америка қўшинлари ташкил қилади.

Ана шундай шароитда барча миллий ватанпарвар кучлар мавжуд режимга қарши оппозицияга бирлашмоқдалар. Қоҳирада июнь ойининг охирида Миср миллий ватанпарвар кучларининг конференцияси бўлиб ўтди. Унда оппозициядаги партияларнинг раҳбарлари, ишчилар, деҳқонлар, студентлар, юристлар, фан ва маданият арбоблари, руҳонийларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Конференция қабул қилган резолюцияда миллий ватанпарвар кучлар мамлакатнинг асл манфаатлари учун курашни давом эттиришга қарор қилганликлари кўрсатиб ўтилади.

Игорь АЛЕКСАНДРОВ,
(АПН).

Редактор Н. НАСИМОВ.

Телевидение

МТ—«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Эрталабки гимнастика. 10.05 — Бадиий фильм. 11.40 — Концерт. 12.20 — Телевизион ҳужжатли фильмлар. 12.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.05 — Концерт. 16.30 — Рус тили. 17.00 — Москва ва москваликлар. 17.30 — Бадиий фильм. 18.40 — В. Заболотний чалади (балалайка). 18.50 —Мамлакат далаларида. 19.05 — Мультфильм. 19.15—Дунё воқеалари. 19.30 — Инсон ва қонун. 20.00 — Кинолавҳа. 20.10 — Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Фильм-концерт. 22.55 — Дунё воқеалари. 23.10 — Концерт.

ЎзТВ-I

11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30—Мультфильм. 11.50 — Телевизион бадиий фильм. 12.55 — Кичик сеҳргарлар. 13.45 — Бадиий фильм. 18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Сенинг замондошинг. 19.00 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Илҳом. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 Время. 22.05 — Дунё воқеалари. 22.35 — Инсон садоқати. 2-қисм. 23.45 — Кўрсатувлар программаси.

ЎзТВ-II

18.35 — Кўрсатувлар программаси. 18.40 — Болалар учун телеспектакль. 19.40 — Нон мадҳи. 20.10 — Янгиликлар. 20.30 — Телефильм. 20.40 — Бизнинг бош мухбиримиздан. 21.10 — Телефильмлар. 22.25 — Ильинский Зошченко ҳақида. Бадиий ўқиш.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/VIII да **Истеҳком** (2 пардали драма).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Янги программа. АРЕНАДА МОСКВАЛИКЛАР — ПАҲЛАВОНЛАР АТТРАКЦИОНИ.

Корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

15 АВГУСТДАН 15 СЕНТЯБРГАЧА 1982 йил учун газета ва журналларга ИДОРАЛАРДАН обуна ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Обуна «СОЮЗПЕЧАТЬ» агентликларида қабул қилинади.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг «СОЮЗПЕЧАТЬ» бошқармаси.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосари—335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Р. 02198. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64684. Б. 1696.